

XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА СИРДАРЁ ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

Улуғбек Мирзалиев

(PhD), т.ф.б.ф.д Гулистон Давлат Педагогика Институтини катта
укутувчиси.

Аннотация: мақолада Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 1956-1980 йилардаги тарихий демографик жараёнлар, жумладан туғилиш, никоҳ, ажралиш таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: оила, аҳоли, демография, туғилиш, никоҳ, ажралиш,

Resume: In the following article historical and demographic processes, namely, birth rate, marriage and divorcing, were analyzed in Jizzakh and Syrdarya between the years 1956 and 1980. The article studies the history of National University of Uzbekistan, analyzed from the point of historical view and enlightened achieved successes.

Keywords: death family, population, demography, birth rate, marriage divorcing.

Демографик жараёнлар таркибида оила алоҳида аҳамият касб этади. Оила аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик замини ҳисобланади. Туғилиш ва ўлим жараёни оила такрор барпо бўлишининг асосий элементи ҳисобланади.

Аҳолини такрор барпо бўлишида биринчи навбатда оила шаклланиши катта аҳамият касб этади. Маълумки, аҳоли асосан оилада дунёга келади ва у шахс сифатида шаклланиб ўзининг демографик фаолиятини бошлайди (1:14). Аҳолини такрор барпо этиш жараёнида унинг жинсий таркиби муҳим ўрин эгаллайди. Туғилган болалар орасида қизларнинг улуши 0,480-0,490, ўғил болаларнинг 0,510-0,520 (жами 1 та) деб қабул қилган (2:162).

Демографлар А.Б. Синельников ва В.А. Борисовларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир авлоднинг ўрнини иккинчи бир авлод давом этириши учун ҳар бир туғиш ёшидаги (16-49 ёш) аёлга 2,6 та бола тўғри келиши керак экан. Шундагина муаян аҳолининг кўпайиши эмас, балки уни маълум сонда ушлаб туришга эришиш мумкинлигини таъкидлаган (3:25).

Оила пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий ўрганиш шуни кўрсатдики, оиланинг ташкил бўлишида асосий омил никоҳ-ҳисобланади. Никоҳ арабча “уйланиш” маъносини англатади. Никоҳ-эркак билан аёл оила қуришининг тарихан шаклланган ва қонун ва дин томонидан мустаҳкамланган шаклидир (4:70).

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий маданий ҳаётида ўз ўрнига эга ҳудудлардан ҳисобланади. Бу вилоятларги тарихий-демографик жараёнларни ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ушбу вилоятлардаги туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш жараёнларини таҳлил қиламиз. 1958 йил Жиззах шаҳрида 577 та туғилиш қайд қилинган, 139 та ўлим

қайд қилиниб, шундан 56 тасини аёллар ташкил қилган. Жиззах шаҳрида 193 та никоҳ, 10 та ажралиш содир бўлган. 1958 йил вилоятда энг кўп никоҳ Ғаллаорол туманида 611 та, энг кам никоҳ Обручево (ҳозирги Даштобод) да 36 тани ташкил қилган. Шу даврда қайд қилинган никоҳларнинг асосий қисми турли миллат вакиллари орасида қайд қилинган. 1958 йилда Жиззах вилояда ажралишлар Жиззах шаҳрида 10 та, Ғаллаорол туманида 1 та, Фориш туманида 2 та қайд қилинган. (5:78). Лекин, Қўйтош, Жиззах, Зомин туманларида ажралиш қайд қилинмаган. Бу шундан далолат берадики, ўзбек миллий менталитетида оила муқаддас даргоҳ эканлигини яхши англаганлигидан далолат беради. Ҳамда оила қурганларнинг катта қисми иккинчи жаҳон уруши даври қийинчиликларинини бошидан кечирганлардир. 1958 йил Сирдарё вилоятининг Мирзачўл шаҳрида (ҳозирги Гулистон) 614 киши туғилиб, 145 киши ўлган, шундан 86 та эркак, 59 та аёллардир. Сирдарё вилояти ҳудудида 1958 йил энг кўп туғилиш Боёвут туманида 2124 та, энг кўп ўлим Сирдарё туманида 194 та, энг кўп никоҳ Сирдарё туманида 841 та, энг кўп ажралиш Янгиер шаҳрида 5 тани ташкил қилган (6:74). Боёвут, Ховост туманларида ажралиш қайд этилмаган. Шу йили Жиззах вилоятига нисбатан Сирдарё вилоятида ажралишлар кўп бўлган. Бунга асосий сабаб, Мирзачўлни ўзлаштириш учун турли ҳудудлардан аҳоли сафарбар қилинди. Келган аҳолининг кўпгина қисми бошқа миллат вакиллари эди. 1959 йилги маълумотларга қараганда Ўзбекистонда юз ёшдан ошганлар 787 киши бўлган, шундан 573 таси аёл, 214 таси эркакни ташкил қилган (7:4). 1959 йили Сирдарё вилоятида юз ёшдан ошганлар 17 тани ташкил қилиб, шундан 14 таси аёл, 3 таси эркакни ташкил қилган. (8:28). Сирдарё вилояти шаҳарларида ўша йили юз ёшдан ошганлар 6 тани ташкил қилган бўлса, бу қишлоқларда 11 тани ташкил қилган. Қизиқarli томони шундан иборатки, шаҳарлардан юз ёшдан ошганларнинг ҳаммаси аёллардир. 1959 йил Сирдарё вилоятида никоҳга кирувчиларнинг ёши эркакларда 22-24 ёш, аёлларда 18-20 ёшни ташкил қилган. 1973 йилда Жиззах вилоятида 25-29 ёшда эркакларда 44 та ажралиш, 30-34 ёшдаги эркакларда 38 та ажралиш, 35-39 ёшли эркакларда 33 та ажралиш, 40-49 ёшдаги эркакларда 19 та ажралиш, 50-59 ёшли эркакларда 3 та ажралиш, 20-24 ёшли эркакларда 20 та ажралиш содир бўлиб, 5 йилдан 9 йилгача яшаб ажрашган эркакларда 61 тани, булар 25-29 ёшлилар 20 та, 30-34 ёшлилар 21 та, 35-39 ёшлилар 9 тани, 40-49 ёшлилар 7 тани, 20-24 ёшлилар 4 тани ташкил қилган (9:5). Бундан шуни айтиш мумкинки, асосан 25-29 ёшли эркакларда ажралиш кўпроқни ташкил қилган. Бунга асосий сабаб, оиланинг айрим қийинчиликларига сабрли бўлаолмаганлиги ва бефарзанлик сабаб бўлган. 1973 йил вилоятида ажралишларда аёлларнинг салмоғи, 20-24 ёшдагиларда 45 та, 25-29 ёшдагиларда 38 та, 30-34 ёшдагиларда 36 та, 35-39 ёшлиларда 25 та, 40-49 ёшларда 10 та, 50-59 ёшдагиларда 1 та, 18-19 ёшдагиларда 3 тани ташкил қилган. Вилоят ҳудудидаги ажрашган аёлларнинг асосий қисми 20-24 ёшлилардир. Буни асосий сабабларидан 7 фарзандсизлик ва иқтисодий муаммолар ташкил қилган. Сирдарё вилоятида 1973

йилдаги ажралишларнинг таҳлил қилар эканмиз, бунда 30-34 ёшли эркакларда-91та, 35-39ёшлиларда-61та, 25-29 ёшлиларда-68та, 40-49ёшлиларда-36та, 50-59ёшлиларда-10та, 60ёш ва ундан ошганлар-1тани ташкил қилган. Бунда асосан 30-34 ёшдаги эркакларда ажралиш кўп қайд қилинган. Бунга сабаб, турли миллат вакиллариининг бу ҳудудда кўпчиликни ташкил қилганлигидир. (10:10). 1976 йил Сирдарё вилоятида 473та ажралиш бўлган бўлса, Жиззах вилоятида 238тани ташкил қилган (11:10). Бу ўз навбатида Сирдарё вилоятида ажралиш кўпроқ содир бўлганлигидан далолат бермоқда. 1977 йил Жиззах вилоятида энг кўп никоҳга кирган эркаклар ёши 22ёшда, энг кўп никоҳга кирган аёл ёши-19ёшни ташкил қилиб, Сирдарё вилоятида ҳам, худди шундай ҳолат кузатилган. (12:5). 1979 йил Жиззах вилоятида 135та ажрашган, Сирдарё вилоятида 615 та ажрашган. Ажралишларнинг Сирдарё вилоятида кўп бўлишига сабаб, Сирдарё вилоятининг Янгиер, Гулистон, Ширин, Сирдарё шаҳарларида аҳолисининг катта қисми бошқа миллат вакилларида иборатлиги ҳам вилоят ҳудудида ажралишларнинг кўп бўлишига сабаб бўлган. Жиззах вилояти аҳолисининг асосий қисми, маҳаллий миллат вакилларида иборат бўлганлиги ҳам ажралишларнинг камроқ бўлишига сабаб бўлган

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Борисов В.А. Демография. Москва., 1999г.с.14.
2. Валентей Д.А., Кваша А.Я. Основа демографии. Москва.: Мисль. 1989.с.16
3. Журнал “Здоровье” №3, Москва, 1988.с.25.
4. Бўриева М.Р.” Ўзбекистонда оила демографияси” .Тошкент. “Университет” 1997.б.70.
5. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 2065-иш, б. 78.
6. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 2065-иш, б. 74.
7. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 3173-иш, б. 4
8. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 3173-иш, б. 28
9. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 3368-иш, б. 5
10. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 3368-иш, б. 10
11. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 3629-иш, б. 10
12. Ўз.РДМА. Фонд-1619, 11-рўйхат, 3727-иш, б. 5